

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭГАМБЕРДИЕВА НИГОРА АЗАДОВНА**

**АМУДАРЁ ҲАВЗАСИ ҲУДУДЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ МАДАНИЯТИ  
(милоддан аввалги VIII – милодий IV асрлар)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of abstract of the doctor of sciences (DSc) dissertation**

**Эгамбердиева Нигора Азадовна**

Амударё ҳавзаси ҳудудларининг қадимги маданияти (милоддан  
аввалги VIII – милодий IV асрлар) .....3

**Эгамбердиева Нигора Азадовна**

Древняя культура территорий Амударьинского оазиса  
(VIII век до нашей эры – IV век нашей эры) .....33

**Egamberdieva Nigora Azadovna**

Ancient culture of the territories of the Amudarya oasis  
(8 century BC - 4 century AD) .....63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....67

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭГАМБЕРДИЕВА НИГОРА АЗАДОВНА**

**АМУДАРЁ ҲАВЗАСИ ҲУДУДЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ МАДАНИЯТИ  
(милоддан аввалги VIII – милодий IV асрлар)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Tar110 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.//ik-tarix.nuu.uz](http://ik-tarix.nuu.uz)) ва «ZiyoNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) ахборот-таълим тармоғига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ахмадали Асқаров

Тарих фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Мавлонов Ўктам Махмасобирович

Тарих фанлари доктори, профессор

Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович

Тарих фанлари доктори, профессор

Эшов Баҳодир Жўраевич

Тарих фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот:


Урганч давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» август соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1 қават, 110-аудитория. Тел.: +99871 227-12-24; Факс: +99871 246-53-21, +99871 246-02-24; e-mail: [pauka@nuu.uz](mailto:pauka@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (63 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино). Тел.: +99871 236-46-55; факс: +99871 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «2» август кuni тарқатилди.  
(2021 йил «30» 04 даги 3-рақамли реестр баённомаси).

  
Х.Э.Юнусова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.б., т.ф.д., профессор

  
Б.Б.Хайназаров  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тарих фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) доцент

  
H.У.Мусасв  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор



## **КИРИШ ( фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Халқаро майдонда тобора кенгайиб бораётган глобаллашув шароитида халқларнинг қадимги тарихи, шаҳарсозлик, давлатчилик масалалари, тарихий – маданий мерос ва цивилизация тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини кенг ўрганишга бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу борада қадимги даврдаги ижтимоий – иқтисодий ҳаёт, маданият, халқларнинг ўзаро алоқалари, цивилизация, урбанизация каби масалаларнинг тадқиқ қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида қадимий ёзма манбаларнинг таҳлили, янги археологик объектларни аниқлаш, моддий манбаларни ўрганиш, халқларнинг миграцияси жараёнида юз берган сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, илк давлатчилик асослари, шаҳарсозлик, ҳунармандчилик каби масалалар юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, археологияда GIS ва Родар – ГПП технологиялари орқали кўплаб янги археологик объектларни аниқлаш, замонавий услубдаги лаборатория таҳлиллари асосида ёдгорликларнинг даврларини аниқлаштириш, 3D моделини яратиш, тарихий реконструкция, урбанизация, фортификация ҳамда алоқа йўллари тарихига оид илмий ахборот материалларини янги маълумотлар асосида такомиллаштиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда тарих ва археология соҳаларида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини жонлантириш, айниқса, тарихий – маданий меросни ўрганиш, тадқиқ қилиш, тарғиб қилиш шунингдек, мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, “... халқларимизнинг дунёвий фанлар ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини ва бой маданий меросини чуқур ўрганиш, турли тадқиқотлар олиб бориш, ҳамда жаҳон миқёсида тарғиб этиш катта аҳамиятга эга”<sup>1</sup>. Бу, ўз навбатида Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврда мавжуд бўлган давлатларнинг ривожланиши, жаҳон цивилизацияси жараёнига қўшган ҳиссаларини янгича ёндашувлар, таҳлиллар асосида ўрганиш ва тарихий ривожланишдаги ўзига хосликни, умумийликни талқин қилиш долзарб илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068 сон “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги ВМҚ-792-сон “Археологик

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий Кенгашнинг видеоконференция шаклида ўтказилган саммитидаги нутқи. // Халқ сўзи, – № 65. 1 апрель, 2021. – Б.1.

тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”, 2021 йил 3 мартдаги ВМҚ-119–сон “Моддий маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорлари шунингдек, ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий – тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Амударё ҳавзасида шаклланган қадимги давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ривожланиши тарихи ва археологиясига доир тадқиқотлар дунёдаги қатор илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида жумладан; Франция илмий тадқиқот миллий маркази (Франция), Карлов университети (Прага), Германия Археология институти (Германия), Нью Йорк университети (АҚШ), Сока университети (Япония), Сидней университети (Австралия), Россия Фанлар Академиясининг Археология институти ҳамда Шарқ халқлари санъати Давлат музейи (Россия), Ўзбекистон ФА нинг Тарих институти ва Миллий археология маркази (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Амударё ҳавзаси ҳудудларида шаклланган қадимги давлатлар тарихи тадқиқотлари бўйича қатор илмий аҳамиятга молик натижалар олинган: Афросиёб, Кўктепа ёдгорликларининг энг қуйи қатламларидаги моддий маданият буюмлари ва бино изларини аниқлаш асосида Суғдни ўзлаштирган қабилаларнинг турмуш тарзи ёритилган (Франция илмий тадқиқот миллий маркази); Сурхондарё вилояти Жарқўтон ёдгорлигида янги технологияларни қўллаш орқали қайта ўрганилди ва дафн маросимлари билан боғлиқ янги урф-одатлар мавжудлиги аниқланди (Германия Археология институти); Сурхондарёнинг Шеробод туманидаги археологик ёдгорликлар харитаси ишланди, Жондавлаттепа ёдгорлигида стационар тадқиқот ишлари олиб борилган (Карлов университети); Бухоро вилоятидаги Канпирак деворининг қурилиш услублари ва босқичлари илмий асосда ёритилган (Нью Йорк, Вашингтон, Калифорния университетлари); кушонлар даврига оид буддизм дини билан боғлиқ археологик ёдгорликлар-Далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепани ўрганиш асосида будда динининг Марказий Осиёдан Узоқ Шарққа тарқалганлиги асосланган (Сока университети); Кушон давлатининг Бақтрия ва Суғд чегарасидаги қалъаларининг фортификацияси ва муҳофаа объектларининг ўзига хос томонлари аниқланган, қадимги давлатлардаги хунармандчилик

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий–тадқиқотлар шарҳи: <https://www.academia.edu>; <https://www.cyberlenika.ru>; <https://www.bulletinasiainstitute.org>; <https://www.cnrs.fr/index.php>; <http://isaw.nyu.edu>; <http://arcis.ff.cuni.cz/articles>; <http://www.symposium.ru>; <http://unesco-iicas.org/ru>; <http://www.livius.org>; <https://www.soka.ac.jp>; <https://www.sydney.edu>; <https://www.archaeolog.ru>; <http://www.kunstkamera.ru>; <http://archaeologyca.su>; <http://archaeology.academy.uz/ru>; <http://academy.uz>; [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org) ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

марказлари, устахоналарини ўрганиш асосида ўзаро савдо-сотик ва хўжалик муносабатлари ўрганилган (Россия ФА Археология институти, Шарқ халқлари санъати Давлат музейи); қадимги Хоразмнинг мил.авв. IV-II асрга оид Оқшахонқалъа ёдгорлигининг ибодатхонасидан хоразмшоҳларнинг портретлари, зардуштий худоларининг олти метрлик деворий суратлари ва табиати тасвирланган рангли деворий суратлар топилган (Сидней университети).

Амударё ҳавзаси худудларининг қадимги маданияти масалаларини ўрганиш куйидаги устувор йўналишларда олиб борилмоқда: Амударё ҳавзаси худудларининг цивилизация тараққиёти жараёнлари таҳлили; қадимги давлатларнинг бошқарув тизими, сиёсати, моддий ривожланишининг ўзига хослиги; хўжалик-маданий тараққиётининг қиёсий таҳлили; қадимги шаҳарлар меъморчилиги ва мудофаа тизимларининг таркибий тузилиши, ўзаро савдо-иктисодий ва маданий тараққиёт жараёнлари, давлатларнинг диний мафқурасининг асослари ва жамиятга таъсири масалалари, қадимги ёзма манбалардаги маълумотларнинг археологик интерпретациясини ва урбанизация жараёнларининг ўзига хослигини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот мавзусига оид ёзма манбаларнинг ўрганилиш тарихи ва илмий адабиётлар хронологик жиҳатдан учта гуруҳга ажратилди:

Биринчи давр XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг 30 - йилларигача бўлган даврни ўз ичига олиб, Ўзбекистоннинг қадимги давр тарихини илмий жиҳатдан ўрганишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади<sup>3</sup>. Европа олимлари<sup>4</sup> “Авесто” ва юнон ёзма манбаларини ўрганиш орқали Ўрта Осиёнинг қадимги даври тарихи бўйича муҳим маълумотларни илмий истемолга киритдилар.

Иккинчи давр XX асрнинг 30 йилларидан бошланиб, XX асрнинг 90 - йилларигача давом этади. Бу даврда Хоразм, Термиз, Фарғона, Тошкент, Бухоро археологик экспедициялари ташкил қилиниб, Ўзбекистоннинг қадимги давр тарихини ўрганишнинг муҳим босқичи бошлаб берилди<sup>5</sup>. Тадқиқотлар жараёнида кўплаб янги археологик ёдгорликлар қайд қилиниб, хариталарга туширилди. Ёзма манбалардаги маълумотлар таржима қилиниб, археологик топилмалар билан қиёсий солиштирилди. Қадимги давр тарихининг хронологияси, ривожланиш босқичлари, ижтимоий тузум масалалари, даврнинг

<sup>3</sup>Бернштам А.Н. Среднеазиатская древность и её изучение за 30 лет. // ВДИ. 1947. – №3. – С. 86 – 90.

<sup>4</sup>Tomaschek W. Chorasmia. Pauly's Peal. // Encyclopadie der klfssischen Altertum smis senschaft. Bd. 3. –Stuttgart, 1894; Markwart J. Eransahrnach der Geographie d Moses Xorenac't, Abh. d. Ges. d. Wes. s. u. Gott. Ph. h. Cl. IV. III. –Berlin, 1901.

<sup>5</sup> Толстов С.П. Хорезмская археолого – этнографическая экспедиция АН СССР ( 1945 – 1948 гг.). // ТХАЭЭ, Том I. – Москва, 1952; Термезская археологическая экспедиция. Труды Академии наук УзССР. Серия I. История, археология. Том. III. – Ташкент: УзФАН, 1940; История материальной культуры Узбекистана. Вып. I. – Ташкент, 1959; Мокробородов В.В. История и основные проблемы археологического изучения Средней Азии “ахеменидского” времени (на примере территорий юга современного Узбекистана). // Проблемы истории, филологии, культуры. – №1. 2015. – С.99 – 123; Лившич В.А. История изучения Согда. <http://www.kunstkamera.ru>; Пилипко В.Н. О своеобразии исторического развития и археологического изучения земель по среднему течению реки Амударья. Доклад на конференции в музее Востока. [www.archaeologysa.ru](http://www.archaeologysa.ru); Итина М.А., Левина Л.М., Незарик Е.Е., Рапопорт Ю.А. К 60 – ти летию Хорезмской археолого – этнографической экспедиции. // Этнографическое образование, 1996, – №6, – С. 34 – 44; Egamberdieva N.A. Arxeologiya. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2011. –B.14.

сийсий, иктисодий, маданий тараққиёти бўйича муҳим илмий натижалар қўлга киритилди. Шунингдек, бу даврда “абადий феодализм” ғояси рад қилинди, “Авесто” матнлари кенг таҳлил қилиниб, унинг Ўрта Осиё худудларида шаклланганлиги тўғрисидаги ғоялар илгари сурилди, “Бактрия подшолиги” масаласи асосланиб, “Катта Хоразм” илмий фарази археологик тадқиқотлар асосида исботлашга ҳаракат қилинди ва ҳқ.

Учинчи давр – XX асрнинг 90 – йилларидан бугунги кунгача бўлган даврни қамрайди. Ўзбекистон Республикасининг мустақил ивожланиш йўлидан бориши, чет давлатлар билан ҳамкорликнинг кучайиши<sup>6</sup> ва илм-фан соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар натижасида, бу даврда археология соҳасида кескин ўзгаришлар кўзга ташланган. Янги объектларни қайд қилиш учун GIS технологияси ва Родар – ГПР археологик амалиётга жорий қилинди. Кўплаб янги археологик объектлар рўйхатга олинди<sup>7</sup>. Бу даврда ўзбек

---

<sup>6</sup> Пидаев Ш.Р., Като К. Археологические исследования на буддийском центре Каратепа в Старом Термезе. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2000 йил. 1 – сон. – Самарқанд, 2001. – С. 144 – 121; Тургунов Б. Исследования Узбекско-Японской экспедиции на Дальварзинтепа. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2000 йил. 1 – сон. – Самарқанд, 2001. – С. 150– 158; Sims – Williams N., Grenet F. The Sogdian Inscriptions of Kultobe. // Shygys. – Алматы, 2006. – №1. 2006. –Р. 95 – 111; Сверчков Л.М., Син У., Бороффка Н. Городище Кызылтапа ( VI – IV вв. до н.э.): Новые данные. // Scripta Antiqua. Вопросы древней истории, филологии, искусства и материальной культуры. Том 3. – Москва, 2014. – С. 31 – 74; Бердумуратов А.Э., Раимкулов А.А., Холматов Н.Ф., Мантелини С. Результаты исследований Узбекско – Итальянской экспедиции в Самаркандской области. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2003 йил. 4 – сон. – Самарқанд, 2004. – С. 51 – 56; Бердимуратов А.Э., Черосетти Б., Рахманов Ш.А., Ронделли Б. Новый пункт культуры лепной расписной керамики в Зарафшанской долине. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2004 – 2005 йй. 5 – сон. – Самарқанд, 2006. – С. 79 – 83; Исамиддинов М.Х., Мокробородов В.В., Страйд С. Археологические разведки в северной части Самаркандской области. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2008 – 2009 йиллар. 7 – сон. – Самарқанд, 2012. – С.75 – 80; Исамиддинов М.Х., Рапен К., Хасанов М.Х. Археологические работы на объектах 2 и 5 городища Коктепа в 2008 году. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2008 – 2009 йиллар. 7 – сон. – Самарқанд, 2012. – С. 80 – 87; Ходжаниязов Г.Х., Ягодин В.Н., Хелмс С.У., Макларен Б.П. Раскопки на Акшахан кале. Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2000 йил. 1 – сон. – Самарқанд, 2001. – С. 175 – 181 ва б.

<sup>7</sup> Сагдуллаев А.С., Шайдуллаев А.Ш. Мустақиллик даврида Сурхон воҳаси бронза ва илк темир даври ёдгорликларини ўрганилишининг айрим жиҳатлари. –Тошкент, 2014. – Б.44 – 51; Сверчков Л.М. Эллинистическая крепость Курганзол. // Материалы по античной культуре Узбекистана . – Самарқанд: Институт археологии АН Республики Узбекистан, 2005. – С. 84 – 101; Сверчков Л.М., Мокробородов В.В. Новое в истории и археологии Байсуна. // Культурная толерантность и самобытность традиции в искусстве Узбекистана. Материалы научной конференции. – Ташкент, 2005. – С. 25 – 30; Двуреченская Н.Д. Предварительные материалы археологических работ 2014 г. на крепости Узундара. // Проблемы истории, филологии, культуры. 1 (47), 2015. – С. 124 – 133; Шайдуллаев Ш.Б., Станчо Л. Бактриянинг Яз I даврига оид янги ёдгорликлар. // Археология Узбекистана в годы независимости: достижения и перспективы. Материалы международной научной конференции, посвященной 25 – летию Независимости Республики Узбекистана. – Самарқанд. 2016. – С. 43 – 44; Ходжаниязов Г. Х., Хелмс С.У., Снеддон Э. Археологические исследования на городище Акчахан кала в 2001 году. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2001 йил. 2 – сон. 2002. – С. 165 – 171; Ходжаниязов Г. Х. , Хелмс С.У., Колин Т.Д. Исследования в Южном Каракалпастане. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2003 йил. 4 – сон. 2004. – С. 212 – 214; Садуллаев Б. Хумбузтепа топилмалари. // “Халқ сўзи”. 12.02.2013; Баратов С.Р. Материалы археологических исследований к истории древнего Самарканд. // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 1. 2014. – С. 59 – 69; Баратов С.Р. Новые археологические материалы к истории древнего Хорезма. // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 4 – сон. – Самарқанд, 2014. – С. 30 – 40; Avanesova N.A. Buston VI – the necropolis of fire – worshippers of pre – urban Bactria. – Samarkand: ICAS. 2016; Augustinova A., Stanco L., Damasek L., Khamidov O., Kolmaska T., Shaydullaev Sh. Archaeological Survey in the Oases of Maydon and Goz in the Piedmont of the Kugitang Mountains (South Uzbekistan) – Preliminary – report for season 2017. // Studia Hercynia XXI/2. – Prague, 2017. – P. 139 – 159; Хамидов О.А. Шимолий Бактриянинг Кучук I даврига оид янги ёдгорликлари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020 ва б.

давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши<sup>8</sup>, илк шаҳарсозлик ва урбанизация жараёнлари билан боғлиқ масалалар<sup>9</sup> кенг тадқиқот мавзусига айланди. Қадимги даврга оид ёзма манбалар кенг таҳлил қилиниб, уларнинг интерпретация масалаларига эътибор қаратилди<sup>10</sup>. Хитой манбаларини кенг миқёсда қайта ўрганиш асосида қадимги давлатларнинг номланиши, хитой билан алоқалари билан боғлиқ масалалар ойдинлаштирилди<sup>11</sup>. Қадимги давр бўйича янги тарихий ҳужжатлар таҳлил қилинди<sup>12</sup>. Шунингдек, Бактрия подшолиги тарихини ёзма манбалар орқали тадқиқ қилиш борасида янги ғоялар илгари сурилди<sup>13</sup>. Окс бўйидаги Александрия шаҳрининг локализацияси бўйича

<sup>8</sup>Аскарлов А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности. // ОНУ, – №3 – 4. – 1997. – С. 65–76; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Ташкент: Шарк, 2001; Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши. Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Тошкент, 2008; Сағдуллаев А.С. Становление раннебактрийской и раннесогдийской государственности. // История государств Узбекистана. Том. I. – Ташкент: Узбекистан, 2009. – С. 61 – 88; Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши (Бактрия мисолида). т.ф.д. илм. даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2009; Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент: Академия, 2009; Матёқубов Х.Ҳ. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида қадимги Хоразм. т.ф.н. илм. даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2012; Болелов С.Б. Древний Хорезм на пороге государственности. Социально-экономический аспект. Доклад на конференции В Музее Востока. – Москва, 2014. [www.archaeologysa.ru](http://www.archaeologysa.ru); Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. – 432 б.

<sup>9</sup> Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в. до н.э. – VIII в. н.э. – Ташкент: Фан, 2000; Атаходжаев А.Х., Грене Ф., Исамиддинов М.Х. Археологические исследования на городище Афрасиаб. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2002 йил. 3–сон. – Самарқанд, 2003. – С.34 – 38; Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиции в периоды раннежелезного века и античности). Автореф. на соис.уч.ст.докт. ист.наук. – Самарқанд. 2000; Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиции в эпоху раннего железного века и в период античности). – Ташкент: Народное наследия им. А.Кадыри, 2002; Сағдуллаев А. С. Самарқанд в системе древней урбанизации. // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида туган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейга бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. – Тошкент – Самарқанд. 2007. – С.17–18; Баратов С.Р. К проблеме истоков урбанизированной культуры низовий Амударьи. // Ўзбекистон санъати дунё маданиятининг ажралмас қисми: тарих ва замонавийлик. Республика илмий – назарий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2015. – Б. 35 – 39 ва б.

<sup>10</sup> Якубов Ю. К проблеме времени и места рождения Заратустры. // Авеста в истории и культуры Центральной Азии. – Душанбе, 2001. – С. 23 – 47; Ходжаева Н. Локализация авестийских гор Хара Березаити, рек Вахви – Датия, Ранха и моря Ворукаша. – Душанбе: Дониш, 2003; Авесто “Видевдат” китоби. М.Исҳоқов таржимаси. – Тошкент, 2007; Авесто. “Закон против дэвов”. (Видевдат). Адаптированный перевод, исследование и комментарии Ртвеладзе Э.В., Саидова А.Х., Абдуллаева Е.В. – СПб: Изд. Политехнического университета, 2008; Арриан Филавий. Поход Александра. Пер. М.Е.Сергеенко, вступ. ст. Крюгера О.О. – СПб: Алетейя, 1993, – 386 с; Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. – Ташкент: Медиа ланд, 2002; Сағдуллаев А.С. К интерпретации понятия “басилейя” – “царский город”. // Трансоксиана – Мавераннахр. Сборник статей в честь 65 – летию академика Э.В.Ртвеладзе. – Ташкент, 2007 ва б.

<sup>11</sup>Хўжаев А.К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Тошкент: Маънавият, 2001; Ходжаев А. Сведения китайских источников о государстве Самарканд в V – VII вв. // Согдийский сборник. Вып. 2. LAP LAMBERT Academic Publishing. 2015. – С. 7 – 18.

<sup>12</sup> Shaked Sh. Le satrape de Bactriane et son gouverneur: Documents arameens du IV e s. avant notre eve provenant de Bactriane. // Bulletin of the Asia Institute. – Paris. 2004; Кошеленко Г.А. Новые письменные документы по истории Центральноазиатского региона в древности. // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида туган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейга бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. – Тошкент – Самарқанд, 2007. – С.52 – 54; Балахванцев А.С. Новая надпись из Тахти-Сангина и некоторые проблемы восточного эллинизма. // Российская археология. – № 4. – С. 89 – 96.

<sup>13</sup>Пьянков И.В. Государства древних Кави. // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Тезисы докладов международной научной конференции, посвященной 75 – летию действительного члена Академии наук Таджикистана, академика РАЕН, д.и.н., профессора Б.А.Литвинского). – Москва, 2001; Ёқубов Ю. Давлати каёниён. – Душанбе, 2012. – 544 с; Икромов Н.М. Қадимги Бактрия кавийлиги. Тарих фанлари бўйича фалсафа

янги қараш илгари сурилди<sup>14</sup>. Савдо ва сув йўллари бўйича янги тадқиқотлар амалга оширилди<sup>15</sup>. Қадимги давр қалъаларининг фортификацияси, муҳофаа тизимлари тадқиқ қилинди<sup>16</sup>. Хорасмийларнинг жанубдан миграцияси борасида янги қарашлар илгари сурилди<sup>17</sup>.

Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар ишларининг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, Амударё ҳавзаси ҳудудларида шаклланган қадимги давлатларнинг умумий тарихи, урбанизация жараёнлари, уларнинг қиёсий таҳлилини жамлаган илмий тадқиқот иши бугунги кунгача махсус ўрганилмаган. Шу боис, Амударё ҳавзаси ҳудудларининг мил. авв. VIII - милодий IV асрлардаги сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётини тадқиқ қилиш долзарб илмий аҳамиятга эгадир.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ ИТД-2-59 “Фавқулодда вазиятларда давлат тизими ва унинг минтақа барқарорлигида ўрни” мавзусидаги амалий лойиҳа (2014-2016 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Амударё ҳавзаси ҳудудларидаги қадимги давр маданиятининг милоддан аввалги VIII–милодий IV асрларга оид даври тарихини таҳлил қилишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қадимги Бақтрия, Суғд, Хоразм тарихининг ёзма манбалардаги баёни, интерпретация масалаларини таҳлил қилиш, асосий ёндашувлар ҳамда илмий қарашларни ёритиб бериш;

Амударё ҳавзаси археологик ёдгорликларининг минтақавий тараққиёти ва уларнинг урбанистик хусусиятларини таққослаш ҳамда таҳлил қилиш;

---

доктори (PhD) дисс.автореф. –Термиз, 2020; Ртвеладзе Э.В. Титулы правителей государств и владений Средней Азии в начале I тыс. до н.э. // ОНУ, 2006, – № 5-6. – С. 46 – 57.

<sup>14</sup> Болелов С.Б. Кампыртепа – античная крепость на Оксе: стратиграфия, периодизация, хронология. // Scripta antiqua. Вопросы древней истории, филологии, искусства и материальной культуры. Альманах. Том третий. – Москва, 2013. – С. 75 – 132; Ртвеладзе Э.В. Кампыртепа – Александрия Оксианская: город – крепость на берегу Окса в эллинистическое и постэллинистическое время (конец IV в. до н.э. – I в. до н.э.) – Ташкент: Изд-во журнала “San`at”, 2017.

<sup>15</sup> Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008; Каримов Я.А. Марказий Осиё коммуникация тизимида сув йўлларининг тутган ўрни (қадимги давр ва ўрта асрлардан Амударё ва Сирдарё мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф. –Нукус, 2020; Mantellini S. Irrigation Systems in Samarkand. Encyclopaedia of the History of Science, Technology, and Medicine in Non – Western Cultures. DOI 10.1007/978 –94 –007–3934 –5\_9925–1.

<sup>16</sup> Туребеков М. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согда ( VII – VI вв. до н.э. – VII в.н.э.). – Нукус, 1990; Ходжаниязов Ғ. Қадимги Хоразм муҳофаа иншоотлари. – Тошкент: O`zbekiston, 2007; Собиров Қ. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарларининг муҳофаа иншоотлари. – Тошкент: Фан, 2009; Ходжаниязов Ғ. Фортификация городища Акшахан – кала. // Приаралье на перекрестке культур. – Самарканд: МИЦАИ, 2013. – С. 109 – 128; Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. – Тошкент, Фан ва технология. 2008. – 236 б.

<sup>17</sup> Болелов С.Б. К вопросу о формировании ранней земледельческой культуры в низовьях Амударьи. // Scripta antiqua. Вопросы древней истории, филологии, искусства и материальной культуры. Альманах. Том 5. – Москва: Собрание, 2016. – С. 13 – 49; Баратов С.Р. Некоторые проблемы археологических исследований древних культур Хорезма. // Ўзбекистон тарихи. № 4. 2007. – Б. 22 – 34; Хорезм в истории государственности Узбекистана.

деҳқончилик маданиятининг шаклланиши, сунъий суғориш тизимининг ривожланиш жараёнларини очиб бериш ҳамда характерли томонларини кўрсатиш;

чорвачилик хўжалигининг ҳудудий жойлашув хусусиятларини, маданий-иқтисодий тараққиётида тутган ўрнини ва аҳамиятини ёритиш;

кўп тармоқли ҳунармандчиликнинг ихтисослашув ва ривожланиш жараёнларини таърифлаш;

минтақада урбанистик жараённинг хронологик кетма-кетликда кириб келиши масалаларини қиёсий таҳлил қилиш ва маданий жиҳатдан нотекис ривожланиш сабабларини аниқлаш;

илк шаҳарларнинг шаклланиш жараёнлари ҳамда минтақавий ривожланишидаги анъаналарни асослаш;

қадимги шаҳарларнинг фортификацияси ва уларнинг такомиллашув жараёнларини қиёсий солиштириш;

янгича ёндашувлар, илмий қарашлар асосида давлатчиликнинг тарихий илдизларини ва бошқарув тизимининг характерли томонларини очиб бериш ва умумлаштириш;

давлат бошқарувида зардуштийлик дини ғоясининг таъсирини моддий манбалар асосида очиб бериш ва асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Амударё ҳавзаси ҳудудларидаги давлатларнинг мил.авв. VIII – милодий IV асрлардаги сиёсий, иқтисодий ривожланиши тарихи белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Амударё ҳавзаси ҳудудларидаги давлатларнинг мил.авв. VIII – милодий IV асрлардаги сиёсий, иқтисодий ривожланиш жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда хронологик кетма-кетлик, қиёсий таҳлил, тарихийлик, детерминизм тамойиллари, тизимли ёндошув, холислик тамойили, математик таҳлил каби усуллар қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“Авесто”, Оссурия, Эрон, Юнон, Рим ёзма манбалари асосида Бактрия мил. авв. VIII асрда мустақил, қудратли давлат бўлганлиги, мил.авв. VI асрнинг бошларида хорасмийларнинг қуйи Амударё ҳудудига жанубдан кўчиб келганлиги далилланган;

Бактрия, Суғд ва қадимги Хоразмдаги илк давлатлар маълум бир сунъий суғориш тузилмаси чегараси асосида воҳа давлатчилиги сифатида вужудга келганлиги асосланиб, уларнинг минтақавий ривожланиш жараёнлари сув билан таъминлаганлигига боғлиқлиги асосланган;

Амударё ҳавзаси ҳудудларидаги давлатлар устидан ахамонийлар фақат сиёсий ҳукмронлик ўрнатганлиги, уларнинг иқтисодий ва маданий тараққиётга таъсир кўрсатмаганлиги минтақадаги археологик ёдгорликларнинг қурилиш услублари ва моддий манбаларнинг қиёсий таҳлиliga асосланиб далилланган;

Қадимги Хоразм мил.авв. IV асрдан мил. IV асргача мустақил давлат сифатида фаолият юритганлиги боис, мазкур давлатга нисбатан “қанг” ва

“кушон” даври атамаларини қўллаш тўғри эмаслиги, буни Хоразмнинг мустақил ривожланиш даври деб аташ лозимлиги асослаб берилган;

Амударё ҳавзаси ҳудудларидаги давлатларнинг маҳаллий бошқарув тизимида демократия тамойиллари устун хусусиятга эга бўлганлиги, диний бағрикенглик ғояси ва зардуштийлик диний эътиқодининг турли йўналишлари, яъни Ахурамаздага, Митрага, Анахитага эътиқод мавжуд бўлганлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Амударё ҳавзаси ҳудудларидаги қадимги давлатлар – Бактрия, Суғд, қадимги Хоразмнинг тарихи, археологик тадқиқот натижалари бўйича бугунги кунга қадар тўпланган илмий маълумотлар илк бор тарихий-қиёсий таҳлил қилиниб тизимлаштирилган;

қадимги Хоразмнинг ўзига хос ривожланишини кўрсатиш учун “чап қирғоқ Хоразм” атамасини “ғарбий Хоразм” ва “ўнг қирғоқ Хоразм” атамасини “шарқий Хоразм” деб белгилаш тушунчалари истеъмолга киритилган;

ҳудудларнинг минтақавий ривожланиш босқичлари, маҳаллий бошқарув тизимида демократик тамойиллар устунлик хусусиятга эга эканлиги, давлатларнинг мафқурасида диний бағрикенглик ғояси ҳукмрон бўлганлиги юзасидан янги илмий қарашлар ва ёндашувлар илгари сурилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** мавзуни ўрганишда таҳлил қилинган ҳар бир масала ёзма ва моддий манбалар билан таққосланган ҳолда асосий тарихий манбалар, илмий адабиётларнинг маълумотлари, замонавий ёндошувларга таянган ҳолда бажарилганлиги ҳамда илмий-назарий маълумотларни тизимлаштириш, умумлаштириш ва тарихий-қиёсий таҳлилнинг қўлланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қадимги давр тарихи, археология, тарихий география, ўзбек давлатчилиги тарихи соҳаларидаги фанлараро янгича услубий ёндошувлар ва илмий йўналишларни яратиш борасидаги ишларни амалга ошириш, шунингдек, тарихий тадқиқот усуллари янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация маълумотлари қадимги давр, тарихий география, давлатчилик масалалари, қишлоқ хўжалиги тарихи бўйича тадқиқотларини олиб боришда ва туризм соҳасини ахборот манбаларини бойитиш учун амалий тажриба вазифасини ўтайди. Улардан Олий таълим тизими учун, илмий-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга доир махсус курсларни ишлаб чиқиш ва ўқув адабиётларини яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Амударё ҳавзаси ҳудудларининг қадимги маданияти (милоддан аввалги VIII – милодий IV асрлар) ни тадқиқ қилиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар:

“Авесто”, Оссурия, Эрон, Юнон, Рим ёзма манбалари таҳлили асосида Бактрия мил. авв. VIII асрда мустақил, кудратли давлат бўлганлиги, мил.авв. VI

асрнинг бошларида хорасмийларнинг қуйи Амударё ҳудудига жанубдан кўчиб келганлиги оид тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос департаментининг тарғибот ва ташвиқот ишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос департаментининг 2020 йил 24 сентябрдаги 01–04–АЯ/593/1 сонли маълумотномаси). Натижада Маданий мерос департаментининг маълумотлар базасини бойитишда, тарғиботларни кучайтиришда ва аҳолининг тарихий тафаккури, дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этган.

Аҳамонийлар Амударё ҳавзаси ҳудудларидаги давлатлар устидан фақат сиёсий ҳукмронлик ўрнатганлиги изоҳланиб, бу даврдаги иқтисодий ва маданий тараққиётга таъсир кўрсатмаганлиги, минтақадаги археологик ёдгорликларнинг қурилиш услуги ва улардан топилган моддий манбаларнинг қиёсий таҳлилига оид натижаларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018-2020 йилларда ўтказилган тарғибот фаолиятида ва “Буюк ипак йўли бўйлаб” номли илмий-маърифий экспедицияси учун материаллар тайёрлашда фойдаланилган. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 15 октябрдаги 03/07–875 – сонли маълумотномаси). Натижада Бактрия, қадимги Хоразм, Суғд давлатлари моддий маданияти, меъморчилик, шаҳарсозлик соҳаларининг ривожланиш жараёнлари, аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзи, давлат мафкураси, унинг жамиятдаги ўрни тўғрисидаги маълумотларидан тарғибот материаллари тайёрланди ва бу маълумотлар юртимиз аҳолисининг тарихий билим, дунёқарашини бойитишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Бактрия, Суғд ва қадимги Хоразмдаги илк давлатлар маълум бир сунъий суғориш тузилмаси чегараси асосида воҳа давлатчилиги сифатида вужудга келганлиги асосланиб, уларнинг минтақавий ривожланиш жараёнлари сув билан таъминлаганлигига боғлиқлиги бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O`zbekiston tarixi” телерадиоканалининг “Тарихий савол”, “Ибтидо”, “Мавзу” кўрсатувларида тадқиқотга тортилган мавзу юзасидан суҳбат бўлиб ўтди ва мазкур материаллардан кўрсатувлар сценарийларида фойдаланилди (“O`zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 29 августдаги 01–40–790 сонли маълумотномаси). Натижада аҳолининг тафаккурида тарихий тафаккурининг мустаҳкамланишига хизмат қилган.

Қадимги Хоразм мил.авв. IV асрдан мил. IV асргача мустақил давлат сифатида фаолият юритганлиги, шу боисдан мазкур давлатга нисбатан “қанғ” ва “кушон” даври атамалари эмас, балки Хоразмнинг мустақил ривожланиш даври эканлиги тўғрисидаги тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O`zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан тайёрланган “Этноглобус”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллат ва маънавият” номли радиоэшиттиришлар сценарийларини тайёрлашда (2014-2020 йиллар давомида) фойдаланилди (“O`zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 3 ноябрдаги 04–25–1028 сонли маълумотномаси). Натижада радиотингловчилар илк шаҳарлар тарихи, давлатчиликнинг шаклланиш

омиллари, аҳолининг турмуш тарзи, қадимги шаҳарларнинг муҳофаа тизими элементлари турлари борасида олиб борилган тадқиқотлар, уларнинг бугунги кун учун аҳамияти тўғрисида маълумотларга эга бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 10 республика ва 4 та хорижий конференция ва семинарларда ўз аксини топган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 36 та илмий мақола чоп қилинган. Шулардан 1 та монография, 1 та ўқув кўлланма, 1 та археологиядан изоҳли луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини нашр қилиш бўйича тавия қилинган илмий ишларида 12 та, шундан 9 таси республика ва 3 та хорижий журналларда чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, беш боб, ўн беш параграф, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 259 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Қадимги Бактрия, Суғд, Хоразм тарихининг ёзма манбалардаги баёни ва интерпретация масалалари**” деб номланган биринчи бобида Амударё ҳавзаси ҳудудларида шаклланган қадимги давлатлар тўғрисидаги ёзма манбалардаги маълумотлар, географик интерпретация ва тарихшунослик масалалари ёритилган.

Энг қадимий ёзма манба “Авесто” нинг “Михр Яшт” ўнинчи бобида Суғд ва Хоразм, “Видевдат”нинг биринчи бобида Ахурамазда томонидан яратилган 16 давлатлар номлари қаторида Бактрия ва Суғд тилга олинган<sup>18</sup>. Ахамонийлар даврига оид Бехистун қоя тоши, Персепол саройи ва Доро I қабр тоши ёзувида Бактрия, Суғд ва Хоразм бошқа қарам давлатлар қаторида санаб ўтилган<sup>19</sup>.

Мил.авв. VI асрда яшаган юнон денгизчиси ва географи Скилак Кариандскийнинг “Саёҳатнома” асари Амударё ҳавзаси ҳудудларида жойлашган мамлакатлар ҳақидаги дастлабки юнон ёзма манбаси бўлиб, ундан Гекатей, Геродот ва бошқа юнон муаллифлари фойдаланишган<sup>20</sup>.

<sup>18</sup> Авеста. “Закон против дэвов” (Видевдат). – С.67.

<sup>19</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Ташкент: O‘zbekiston, 2015. – Б.102; Хрестоматия по истории Древнего Востока. – Москва: Высшая школа, 1980. – С. 258;

<sup>20</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи; Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции (Общее данные о стране: название и территория) – Душанбе: Дониш, 1982, – С.3; Скилак. wikipedia.org.

Авесто, Оссурия, Эрон, Рим ва Юнон ёзма манбалари асосида қадимги Бактрия мил.авв. VIII асрда мустақил, қудратли давлат бўлганлиги асосланган. Ктесий асаридаги Нин, Семирамида афсонаси ва Оссурия шоҳлари архивидан топилган ҳужжат Бактрия тўғрисидаги бу маълумотни асослайди<sup>21</sup>. Тадқиқотчилар фикрича, Оссурия тарихида мил.авв. 823–811 йилларда ҳукмронлик қилган Шамшиадад V афсонада берилган Нин подшоси билан бўлиши мумкин деган фикрни илгари сурадилар. Шамшиадад V отаси Салманасар III нинг ҳарбий юришларини давом қилдирган<sup>22</sup>. Урарту, Мидия ва Парсуани эгаллаган. Шамшиадад V нинг Шаммурамат (Семирамида) исмли маликаси бўлган. У Шамшиадад V вафотидан сўнг 5 йил мамлакатни мустақил бошқарган. Аммо, бу Нин ва Семирамида тўғрисидаги ягона талқин эмас.

Диссертацияда Бактриянинг Аҳамонийлар империяси ҳукмронлиги давридаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий аҳволи ва солиқ тизими баён қилинган. Талант миқдори математик услубда таҳлил қилинган. Геродот талант миқдорини Бобил таланти асосида олганлиги ва бир талант миқдори 30,2 кг. бўлганлиги асосланган<sup>23</sup>. Шимолий Афғонистондан Бактриянинг мил.авв. IV асрига оид 30 таси тери, 18 таси садақайроғоч ёғочига қора сиёҳ билан ёзилган тарихий хўжалик ҳужжатлари топилган<sup>24</sup>. Унинг орасидаги битта ҳужжат мил.авв. V асрга оид бўлган. Қолганлари мил.авв. 353–324 йилгача бўлган даврга, яъни Артаксеркс III, Доро III ва Александр Македонский даврларига оид бўлган. Уларни исроиллик Ш.Шэкед ва Д.Наве тадқиқ қилишган<sup>25</sup>. Хатлар тўрт гуруҳга ажратилган. Ҳужжатларнинг бир қисми ишга оид хатлар бўлиб, унда давлат мансабдори Ахвамазданинг Багавант исмли шахсга берган топшириқлари ёзилган. Хатлар давлат бошқарув тизимини ўрганишда муҳим ҳисобланади.

Бактриянинг Александр Македонский томонидан босиб олиш жараёни асосан, Квинт Курций Руф ва Арриан асарларидаги маълумотлар орқали таҳлил қилинган<sup>26</sup>. Бактрия ҳақидаги хилма-хил маълумотлар қадимги юнон тарихчилари Полибий, Страбон, Диодор, Плиний, Юстин, Плутарх ва бошқаларнинг асарларида учрайди. Страбоннинг<sup>27</sup> “География” асарида қадимги Бактрия давлатининг географик жойлашуви, пойтахти, қўшни

---

<sup>21</sup> Садаев Д.Ч. История древней Ассирии. – Москва: Наука, 1979. – С.88.; [wikipedia.org/wiki/Семирамида](http://wikipedia.org/wiki/Семирамида); Баратов С.Р. Материалы археологических исследований к истории древнего Самарканда. – С.62.

<sup>22</sup> Садаев Д.Ч. История древней Ассирии. – С. 88.

<sup>23</sup> Энциклопедия Ф.А.Брокгауза и И.А. Ефрона. Талант мера, веса. [www.dic.academic.ru](http://www.dic.academic.ru); Талант и талан. [rousseau.livejournal.com](http://rousseau.livejournal.com); Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Б.105. Талант – денежная единица. <http://istorija-deneg.ru>. 10000 талантов и 100 динариев. <http://pretre-philippe.livejournal.com>; Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – С.85; Money, Weights and Measures in Antiquity. <http://www.livius.org>.

<sup>24</sup> Кошеленко Г.А. Новые письменные документы по истории Центральноазиатского региона в древности. – С.52 – 54.

<sup>25</sup> Shaked Sh. Le satrape de Bactriane et son gouverneur. – P.62.

<sup>26</sup> Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре. – Москва: МГУ, 1993.; Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции.

<sup>27</sup> Страбон мил.авв. 64/63 – милодий 23/24 йилларда яшаган қадимги юнон тарихчиси ва географи ҳисобланади. Унинг “Тарих” номли асари сақланмаган. 17 китобдан иборат “География” асарида деярли тўлиқ сақланган.

давлатлари ҳақида маълумотлар берилган. Улар И.Н.Хлопин ва И.В.Пьянковлар томонидан кенг таҳлил қилинган<sup>28</sup>.

Бактрия давлати ҳақидаги хитой манбалари Н.Я.Бичурин, Л.А. Боровкова, А.Хўжаев, А.Абдурасул ўғли томонидан ўрганилган<sup>29</sup>. Хитой ёзма манбалари мил.авв. II–I асрларга оид бўлиб, уларда Хитой императори У–ди Чжанг Чянга Бактрияга борадиган яқин ва хатарсиз йўлни топишни топширган<sup>30</sup>. Бу маълумотлар қадимги даврда Бактрия ўлкасидан Буюк ипак йўли ўз фаолиятини бошлашдан олдин халқаро савдо йўли ўтганлигидан далолат беради.

Ушбу бобда Суғднинг иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзи Бехистун қоя тош суратлари, Персепол саройи ва Нақши Рустам дарасидаги Доро I макбарасидаги бўртма тасвирлар орқали таҳлил қилинган<sup>31</sup>. Александр Македонскийнинг Ўрта Осиёга хужуми даврига оид Суғдда бўлган воқеалар юнон ва рим ёзма манбалардаги баёни ёритилган. Мил.авв. II асрдан бошлаб Суғд хитой манбаларида тилга олинган. Буюк ипак йўли тарихига бағишланган Хитой луғати ва бошқа манбаларни солиштириш орқали А.Хўжаев “Сиваньцзинь”ни Суғд деб беради. Мил.авв. II асрдан милодий V аср бошларигача Суғд Кангюй давлати таркибида бўлган ва хитой манбаларида “Кан–го” деб ёзилган<sup>32</sup>.

Ушбу бобнинг учинчи қисмида Қадимги Хоразм тарихи бўйича ёзма манбаларни ўрганиш жараёнида илгари сурилган гипотезалар таҳлил қилинган. “Авесто” да берилган географик атамаларнинг таҳлили қадимги Хоразм ҳудуди билан боғланганлиги илгари сурилиб, унинг маълумотлари “Шоҳнома” асаридаги маълумотлар билан солиштирилган. Тадқиқотчиларнинг Арьёшайона, Арёнам Вайчах (Эронвез) ўлкаларини, Вахви Даития дарёси, Ворукаш, Чайтаста кўллари, Қанха, Урва шаҳарларини ҳам қадимги Хоразм билан боғлаб, тадқиқ қилинганлиги ёритилган<sup>33</sup>.

Юнон ва Рим ёзма манбаларини ўрганиш орқали илгари “Катта Хоразм” давлати масаласи, хорасмийларнинг миграцияси, Александр Македонский

<sup>28</sup> Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии. – Ашхабад: Ёлим, 1983; Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции.

<sup>29</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в средней Азии в древние времена. Том II. – Москва – Ленинград: Академия наук СССР. 1950; Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VII в. н.э. (историко-географический обзор по древнекитайским источникам). – Москва: Наука, 1989. – 177 с; Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.

<sup>30</sup> Хўжаев А. Буюк ипак йўли, – Б.151.

<sup>31</sup> Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. – Москва: Наука, 1985. – С.112; Хрестоматия по истории Древнего Востока. – Москва: Высшая школа, 1980. – С. 36; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Б.102.

<sup>32</sup> Ходжаев А. Сведения китайских источников о государстве Самарканд в V – VII вв. – С.8.

<sup>33</sup> Markwart J. Vehrot und Arang. –Leiden, 1938. –P.35; Christensen A. Le premier chapitre du Vendidad et l’histoire primitive des tribus iraninnes. –Cobenhavn, 1943. – P. 25; Duchesne – Guillemin J. La religion de l’Iran ancien. –Paris: Presses Univer. de France, 1962. – P. 143; Бартольд В.В. Аму – Дарья. // Статьи из «Энциклопедии ислама». – Москва: Наука, 1965. Том III. – С.319; Nyberg H.S. Biographie de Zaratuštra dans le Denkart. // Acta Iranica 7. 1975. Vol. IV. – P. 510 – 518; Boyce M. A History of Zoroastrianism. – Leiden – Köln, 1975. Vol. I. – P. 144; Пьянков И.В. Зороастр в истории места и времени // ВДИ. 1996. № 3. – С.14; Стеблин – Каменский И.М. Река иранской прародины. // Ономостика Средней Азии. – Москва: Наука, 1978. – С.72 – 73; Ходжаева Н. Локализация авестийских гор Хара Березаит, – С.70 – 79; Ўша муаллиф; Динамика развития географических представлений о Центральной Азии в древней и раннесредневековой Иранской традиции. Дисс. на соис.уч.ст. докт. ист. наук. – Душанбе. 2016.– С. 86.

билан сулҳ тузган Хоразмшоҳ, Узбой масалалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган ва уларни асослашда археологик манбалар муҳим бўғини бўла олиши кўрсатилган.

Кейинги йилларда Амударё ҳавзаси худудларида шаклланган давлатлар тўғрисидаги ёзма манбаларда сақланиб қолган маълумотлар асосида илгари сурилган воқеалар ва жойларнинг интерпретацияси масалаларига кенг эътибор қаратилаётганлиги билан хулосаланган.

Тадқиқотнинг **“Амударё ҳавзасидаги минтақаларининг археологик ёдгорликлари ва уларнинг урбанистик таракқиёти хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида давлатларнинг иқтисодий, сиёсий жиҳатдан ривожланиши бевосита Амударё ва унинг ҳавзаларидаги сувларнинг йўналиши билан боғлиқ ҳолда кечганлиги очиқ берилган. Амударё ирмоқларининг йўналишини ўзгартириши аҳоли турмуш тарзининг ўзгариши олиб келган.

Тадқиқот ишида деҳқончилик воҳаларининг географик жойлашуви ҳар бир худуд бўйича археологик маълумотларга асосланган ҳолда ёритиб берилган. Деҳқончилик воҳалари ўзига хос бошқарув тизимига эга бўлган давлат бўғини сифатида фаолият юритганлиги ва ҳар бир деҳқончилик воҳасининг маданий ва иқтисодий маркази бўлганлиги ҳам асосланган.

Бобда қадимги Бактриядаги урбанизация жараёнларининг характерли хусусиятлари мил.авв. VIII-VII асрларда деҳқончилик воҳалари асосида таҳлил қилинган. Археологларнинг маълумотларига кўра, мил.авв. VIII–VII асрлардаги қадимги Бактриянинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши асосида бронза даврининг Номозгоҳ VI маданияти ётади, яъни у қайта тикланган<sup>34</sup>. Шу даврда Бактрия аҳолиси дарё ўзанлари бўйлаб тарқалиб, кенг худудларни ўзлаштирганлар. Сунъий суғориш иншоотлари бунёд этиб, яшаш учун қулай шароитлар яратганлар.

Аҳоли дарё ирмоқлари ва каналларнинг соҳилларида яшаб, деҳқончилик воҳасини шакллантирганлар. Деҳқончилик воҳалари ўзига хос бошқарув тизимига эга бўлган давлат бўғини сифатида фаолият юритган<sup>35</sup>. Ҳар бир деҳқончилик воҳасининг маданий ва иқтисодий маркази бўлган. Марказий қалъанинг ташқарисида 8–12 тагача қишлоқ ва катта патриархал оила кўрғонлари топилган<sup>36</sup>. Бундай сиёсий давлат тузилмаси “Авесто” маълумотларида берилган таърифларга мос келиши таъкидланган.

Қадимги Бактрия мил.авв. VI аср – IV асрнинг бошларида ахамонийлар империяси таркибида бўлган. Унинг қай тарзда бўйсундирилганлиги ҳақида турли қарашлар тадқиқот ишида таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида Александр Македонский ҳужуми билан боғлиқ ёзма манбалардаги маълумотларнинг археологик интерпретация масалаларига

<sup>34</sup> Аскарлов А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Ташкент: Фан, 1979. – С. 77 – 79; Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Б.186; Сверчков Л.М., Бороффа Н. Период Яз – II: этапы и хронология. // Вестник археологии, антропологии и этнографии. 2016. № 1 (32). – С.5 – 6; Сверчков Л.М. Тохары. Древние индоевропейцы в Центральной Азии. – Ташкент: SMI-ASIA, 2012. – С.134.

<sup>35</sup> Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Б. 269; Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. – Б. 60 – 63; Ширинов Т., Шайдуллаев Ш. Бактрия минг шаҳарли мамлакат. // Термиз: тарихий тадқиқотлар, илмий хулосалар. – Ташкент, 2001. – Б.10.

<sup>36</sup> Ширинов Т., Шайдуллаев Ш. Бактрия минг шаҳарли мамлакат. – Б.10.

эътибор қаратилган. Унда Бранхидлар шаҳри, Аорн, Окс бўйидаги Александрия, Драпсак шаҳарларнинг ва Ксениппа, Наутака, Габаза, Паретакена, Бубакена номли мустақил сиёсий-худудий бирлашмаларнинг локализациялари келтирилган. Бу сиёсий-худудий бирлашмалар деҳқончилик воҳаларига тўғри келиши асосланган<sup>37</sup>. Ксениппа ва Наутака жанубий Суғд худудларига, яъни Қашқадарё вилоятига<sup>38</sup>, Габаза, Паретакена ва Бубакена шимолий Бактрия, яъни Сурхондарё вилояти ва Тожикистоннинг жануби-ғарбий худудларига локализация қилинган<sup>39</sup>. Тадқиқотда турли қарашлар таҳлил қилиниб, Э.В.Ртвеладзе томонидан илгари сурилган ғояларнинг асосли эканлиги кўрсатилган. Мил.авв. IV асрларга оид сиёсий худудлар деҳқончилик воҳалари билан солиштирилган ва асосланган.

Мил.авв. IV асрга оид шимолий Бактрия худудидан 30 га яқин ёдгорликлар аниқланган<sup>40</sup>. Уларнинг аксарияти сув ёқалари, асосан Амударё ҳавзаси худудларида жойлашган. Бактрияда порт-шаҳарлар, яъни Амударё кечуви худудида қурилган шаҳарлар муҳим аҳамият касб этган. Кечувда Кампиртепа, Айритом, Эски Термиз (Тармида), Ойхоним порт-шаҳарлар қурилган. Порт-шаҳарлар халқаро савдо, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Э.В.Ртвеладзе ёзма ва археологик тадқиқот ишлари натижаларини солиштириш орқали Кампиртепа Окс бўйидаги Александрия шаҳри эканлигини асослаган. Бу ерда кўрфаз, пристань ва порт маёғининг излари аниқланган. Шу асосда ёдгорлик юнонларнинг фруриони, яъни мудрофаа пункти ёки порт вазифасини бажарувчи шаҳар сифатида дастлаб қурилган деган фикрни асослаган. Кушонлар даврида шаҳар янада тараққий қилиб, асосий савдо ишлари ва божхона вазифасини ўтовчи шаҳарга айланган<sup>41</sup>.

Бобда Юнон-Бактрия давлати ҳукмронлиги давридаги шаҳарлар тараққиёти изчил баён қилиниб, чегара худудлардаги шаҳарларга алоҳида эътибор қаратганликлари изоҳланган. Суғддан Бактрияга кириш мумкин бўлган тоғли худудларда мудрофаа қалъалари бунёд қилинган. Айниқса, Евтидем I (мил.авв. 235–200 йй.) даврида мудрофаа қалъалари икки худудни боғлаб турган, ўтиш мураккаб бўлган тоғ даралари ва тизмаларининг жойларида қурилган<sup>42</sup>. Қўрғонзол, Узундара, Қопчиғайтепа, Мачайтепа, Қўрғонча кишлоқларида қурилган мудрофаа қалъалари Бактриянинг чегараларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этган<sup>43</sup>.

Диссертацияда Юнон-Бактрия ва Кушонлар ҳукмронлиги даврида жамиятда эллинизм маданияти таъсири кучли бўлганлиги ёритилган. Бу даврда жанубий Ўзбекистон худудида Кампиртепа, Айритом, Далварзинтепа, эски

<sup>37</sup> Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Б.185.

<sup>38</sup> Ртвеладзе Э.В. Ксениппа – Паретака // Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье. – Ленинград: 1981. – С.185; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – С.342.

<sup>39</sup> Шайдуллаев Ш.Б. К вопросу о локализации Паретака, Бубакена и Габаза; Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане, – С.131 – 132.

<sup>40</sup> Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. – С.16.

<sup>41</sup> Ртвеладзе Э.В. Кампиртепа – Александрия Оксианская. – С.5.

<sup>42</sup> История государственности Узбекистана. Том. I. – С.161.

<sup>43</sup> Сверчков Л.М. Эллинистическая крепость Курганзол, – С. 96 – 98.

Термиз, Зартепа, Холчаён, Айритом, Тожикистон ҳудудида Қайқубодшоҳ, Кўхнақалъа, Саксанохур, Афғонистон ҳудудида Бактра, Дилбаржин, Жигатепа, Кундуз, Ойхоним, Сурх–Кўхтал каби шаҳарлар ривожланган.

Кушонлар давлатида диний бағрикенглик ҳукмронлик қилганлиги таъкидланиб, зардуштийлик, индуизм, юнонлар, эронликлар ва мисрликларнинг динлари билан алоқадор излар топилганлиги очиб берилган. Тожикистоннинг Кобадийён районида Окс худосига бағишланган Тахти Сангин ибодатхонаси топилган (мил.авв. III асрдан мил. III аср). Бу ердан турли динларга алоқадор худоларнинг саждагоҳлари топилган<sup>44</sup>. Бундай ҳолат деярли барча ибодатхоналарда кузатилган.

Кушонлар давлатида будда динига оид асосан 3 хил иншоот бунёд этилган: вихара (монастирь), чайтъя (зиёратгоҳ, ибодатхона), ступа<sup>45</sup>. Бактрияда монастирлар ер устида, ер остида, табиий ва сунъий ғорларда, икки қаватли, яъни ер ости ва устида бунёд этилган. Монастр, ибодатхона ва ступалар йирик шаҳарлар ичида, унинг атрофларида ва магистрал йўл бўйларида бунёд этилган. Шимолий Афғонистондаги Ғазна, Беграм атрофларида мил.авв. I– милодий III асрларга оид, Хазар, Сум, Кундуз, Шоторак, Бомийён, Хадда, Ойбек худудларида милодий II–VIII асрларга оид будда монастрлари, ступалари ва ибодатхоналари топилган. Жанубий Ўзбекистонда Қоратепа ва Фаёзтепа –буддизм диний мажмуалари тадқиқ қилинган. Уларнинг қурилиши ва расмлари Ҳиндистондаги ибодатхоналар, у ердаги расмлардан фарқланиб, Шарқий Туркистон ва Узоқ Шарқдаги ибодатхона ва расмларига яқин. Шу асосда тадқиқотчилар, буддизм Ўрта Осиёдан мазкур худудларга тарқалган деган хулосани берганлар.

Бобда Амударёнинг йирик ирмоқлари Қашқадарё ва Зарафшон дарёси хавзаларида ташкил топган Суғд давлатининг минтақавий ривожланиш жараёни изчилликда баён қилинган. Давлатнинг минтақавий ривожланиши худудларга ажратилган ҳолда очиб берилган: марказий (Кўктепа, Афросиёб, Жом<sup>46</sup>), жанубий (илк темир даврига оид еттита микровоҳа<sup>47</sup>), ғарбий (Пойкент, Бухоро, Варахша, Қўзимонттепа, Рамиш, Хўжа Бўстон<sup>48</sup>). Суғд ҳудудида яшаган чорвадор аҳолининг излари мил.авв. V–III асрларга оид Қалқонсой мазор–қўрғонларидан топилган. Улар асосан Марказий (Самарқанд) ва Ғарбий (Бухоро) Суғд даштларида яшаганлар<sup>49</sup>. Диссертацияда марказий ва жанубий Суғд илк темир давридан, ғарбий Суғд мил.авв. V–IV асрлардан

<sup>44</sup> Литвинский Б.А. Пичикян И.Р. Эллинистический храм Окса в Бактрии (Южный Таджикистан). Том 1. Раскопки, архитектура, религиозная жизнь. – Москва: Восточная литература, 2000. – С.503.

<sup>45</sup> Будданинг муқаддас буюмлари ёки Будданинг ҳаёти ёки қандайдир тарихий воқеалар билан боғлиқ бўлган жойларда бунёд этилган ўзига хос диний иншоот.

<sup>46</sup> Бердимуратов А.Э., Черосетти Б., Раҳманов Ш.А., Ронделли Б. Новый пункт культуры лепной расписной керамики в Зарафшанской долине. – С.79 – 83.

<sup>47</sup> Лушпенко О.Н. Раннежелезный век Южного Согда. Автореферат на соис.уч.ст.канд. ист. наук. – Самарқанд, 1998. – С. 7.

<sup>48</sup> Адылов Ш.Т. Становление и развитие городской культуры Бухарского Согда по материалам стратиграфических исследований. (IV в. до н.э. – VIII в.) Автореферат. на соис.уч.ст.канд. ист. наук. – Самарқанд, 1987. – С.16.

<sup>49</sup> Обельченко О.В. Культура античного Согда по археологическим данным VII в. до н.э. – VII в. н.э. – Москва: ГРВЛ, 1992. – С. 5, 6; Зезенкова В.Я. Некоторые краниологические данные курганов Калканса. // ИМКУ. вып. VIII. – Ташкент, 1969. – С.161 – 168.

Ўзлаштирилганлиги археологик ёдгорликлар асосида изчиллик билан баён қилинган.

Марказий Суғднинг қадимий ёдгорликлари – Кўктепа ва Афросиёбнинг энг пастки маданий қатламларидан ярим ертўла ва ертўлаларнинг излари топилган. Диссертацияда Кўктепа мил.авв. IX–VIII асрларда, Афросиёб мил.авв. VIII-VII асрларда аҳоли томонидан ўзлаштирилганлиги баён қилиниб, уларнинг мил.авв. VII асрлардан шаҳар қиёфасини олганлиги археологик манбалар асосида очиб берилган. Жанубий Суғдда илк темир даврига оид 32 археологик ёдгорлик аниқланган<sup>50</sup>. Мил.авв. VI–IV асрларга оид Қуйи Қашқадарё худудидан Ерқўрғон, Қоровултепа ёдгорликлари, Қашқадарёнинг юқори оқимидан 20 га яқин ёдгорликлар аниқланган. Улар 5 та воҳада жойлашган: Қайрағоч, Танхоздарё, Гулдарё, Шуробсой, Қизилдарё. Э.В.Ртвеладзе шу худудларда Ксениппа ва Наутака жойлашган бўлиши мумкин деган ғояни илгари суради<sup>51</sup>. Ксениппа қуйи Қашқадарё худудларини эгаллаб, у шимоли–ғарбий томонга кенгайиб бориб, кўчманчи саклар худудигача борган. Қашқадарёнинг шарқий томони, тоғ олди ва тоғли худудларида Наутака жойлашган.

Ғарбий Суғднинг шимолий қисми мил.авв. VI–IV асрларда кам ўзлаштирилган. Ғарбий Суғд худудида одамларнинг келиб жойлашишини тадқиқотчи Ш.Т.Адилов Александр Македонский хужуми билан боғлайди<sup>52</sup>. Юнон–македонларга бўйсунитишни истамаган суғдликлар ғарбий Суғд томонга чекинганлар ва ўзларининг қишлоқларни ташкил қилганлар. Кейинчалик бу худудларда йирик шаҳарлар шаклланган: Пойкент, Бухоро, Варахша, Қўзимонттепа, Рамиш, Хўжа Бўстон ва бошқалар. Бухоро шаҳри мил.авв. V асрда қишлоқ тарзида вужудга келиб, мил. авв. III асрларда мудофаа деворига эга бўлган қалъага айланган<sup>53</sup>. Бу даврда қалъа тахминан 20 га худудни, арки 2 га худудни эгаллаган. Милодий асрнинг бошларида Бухоро шаҳри Нумижкат деб номланган. Нумижкат хукмдорларининг иккинчи қароргоҳи Навакмитан бўлган<sup>54</sup>. Навакмитан милодий III асрдан ғарбий Суғднинг марказий шаҳри хисобланган.

Амударёнинг ўрта оқими билан қуйи оқими ўртасидаги чегара Туямўйин танглигидан ўтган. Амударёнинг ўрта оқими худудида қадимги Хоразм, Марғиёна ва Суғднинг чегара худудларини бирлашган бўлиб, бу жой худудлар ўртасида транзит йўлини бажарганлиги кўрсатиб ўтилган. Бу худуддан топилган моддий маданият ёдгорликларида Суғд давлатининг таъсири кўпроқ бўлганлиги аниқланган. Тадқиқотчилар бу худуддан 4 та кечув жойини аниқлашган. Амударё ўрта оқимидаги археологик ёдгорликлар асосан, унинг чап қирғоғидан топилган. Амударё ўрта оқимининг ўнг қирғоғида шароит

<sup>50</sup> Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. – С.3.

<sup>51</sup> Ўша асар, – Б.93 – 94.

<sup>52</sup> Адылов Ш.Т. Становление и развитие городской культуры Бухарского Согда. – С.16.

<sup>53</sup> Адылов Ш.Т. Становление и развитие городской культуры Бухарского Согда. – С.14.

<sup>54</sup> Ўша асар, – Б.69.

бутунлай бошқача бўлган. Бу ерда сув тошқинлари кам бўлиб, ҳудуд чўлдан иборат бўлганлиги сабабли кўчманчи чорвадорлар томонидан ўзлаштирилган<sup>55</sup>.

Бобда Қадимги Хоразм археологик ёдгорликларининг урбанистик ривожланиб бориш жараёнлари очиб берилган. Ҳудуднинг инсонлар томонидан ўзлаштирилиши, ўзига хос тараққиёти Амударё сувларининг оқими ва унинг ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда кечганлиги очиб берилган. Хоразм тарихини ўрганишда “чап қирғоқ” ва “ўнг қирғоқ” тушунчалари ўрнига “ғарбий Хоразм” ва “шарқий Хоразм” тушунчаларини ишлатиш мақсадга мувофиқлиги илгари сурилган.

Илк темир даврида Амударё қуйи оқимининг шимоли-ғарбида сак-қуйисой маданияти мавжуд бўлганлиги археологик маълумотлар асосида кўриб чиқилган<sup>56</sup>, унинг шимоли-шарқий қисмида, Оқчадарё дельтасининг қуриб бориши оқибатида амирободликлар кўчманчи ҳаёт тарзига ўтганлар. Мил. авв. VII асрдан бошлаб, аҳоли бу ҳудуддан кўчиб кета бошлаган. Минтақанинг жануби-шарқий қисмида эса, мил.авв. VII - V асрларга мансуб Мешекли ва Уч ўчоқ илк сакларга оид мозор-қўрғонлар ўрганилган. Уларнинг дафн тузилмалари Куюсай маданиятидан фарқ қилган. Қадимги Хоразмда илк урбанистик жараёнларнинг бошланишига жанубдан кўчиб келган аҳолининг таъсири<sup>57</sup> баён қилиниб, кўчиш омиллари аниқланган ва миграциянинг узок вақт давом қилганлигини асосланган. Қадимги Хоразм ҳудудига жанубда келган аҳолининг келиб жойлашишига уч омил сабаб бўлган бўлиши мумкин:

1. Мурғоб дарёсининг қуриши;
2. Қир II нинг босқини;
3. Доро I нинг сиёсати.

Қуйи Амударё бўйларида келган аҳоли бўш ётган, лекин деҳқончилик учун қулай бўлган ҳудудларни ўзлаштирганлар. Маҳаллий чорвадор аҳоли билан тинч қўшничилик муносабатларини олиб борганлар. Бу археологик тадқиқотлар натижасида ўз исботини топган. Мил.авв. VI асрдан жанубий ва ғарбий Хоразм ҳудудларида мустаҳкам мудофаа деворларга эга бўлган қалъалар –Кўзалиқир, Ҳазорасп ва кулолчилик манзилгоҳи бўлган Хумбузтепа, Ташсака мавжуд бўлган. Деҳқончилик воҳаларининг йирик марказлари атрофида чорвадорларнинг манзилгоҳлари қайд қилинган. Кўзалиқир ва Хумбузтепа ёдгорликларининг қурилиш услуби ва моддий маданиятидаги фарқли томонлар археологик тадқиқотлар орқали очиб берилган.

Мил.авв. VI асрда Қадимги Хоразм ахамонийлар империяси таркибида бўлиб, мил.авв. V асрнинг охирида мустақил давлатга айлангач, ижтимоий-

---

<sup>55</sup> Бурханов А.А. Города и поселения Дарганского оазиса левобережья Амударьи в системе древних и средневековых тюрково – караванных путей (по материалам археологических исследований в Лебапском велаяте Туркменистана) // Вестник Новосибирского государственного университета. 2015. Вып. 7. – С.174.

<sup>56</sup> Вайнберг Б.И. Памятники Куюсайской культуры. Кочевники на границах Хорезма. (Труды ХАЭЭ–XI). – Москва: Наука, 1979. – С. 23; Болелов С.Б. К вопросу о формировании ранней земледельческой культуры в низовьях Амударьи. – С. 25.

<sup>57</sup> Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Б.270; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. – М. –Л.: Изд-во АН СССР, 1959. – С.92; Болелов С.Б. К вопросу о формировании ранней земледельческой культуры в низовьях Амударьи. – С. 29,32; Баратов С.Р. Некоторые проблемы археологических исследований древних культур Хорезма. – С. 33.

иктисодий жиҳатдан туб ўзгаришлар содир бўлган. Қадимги Хоразм давлати мил.авв. IV асрдан милодий III асргача Ўрта Шарқда кудратли давлатлардан бири бўлган. Бу даврда майдони 10 гектардан катта бўлган ўнлаб йирик қалъалар қурилган<sup>58</sup>. Беруний бу даврда 300 дан ортиқ шаҳарлар бўлганлигини ёзиб қолдирган<sup>59</sup>. Бу маълумотлар археологик тадқиқотлар натижасида ҳам исботланган. XX асрнинг 70–йилларда 300 дан ортиқ ёдгорликлар топилган бўлса<sup>60</sup>, 90–йилларнинг охирига келиб, уларнинг сони 400 тага етган<sup>61</sup>. Бу даврда Хоразм ҳукмдорлари давлат чегара ҳудудларига катта эътибор бериб, мустаҳкам қалъаларни бунёд қилганлар. Шарқий Хоразмда Бурли қалъа, Аёзқалъа 1–3, кичик Қирққизқалъа, Қўрғошинқалъа, Жонбосқалъа, ғарбий Хоразмда Оқчагелин, Говурқалъа, Кангақирқалъа ва бошқа қалъалар бунёд қилинган. Ҳар бир бундай қалъалар атрофида очик манзилгоҳлар топилган. Бу даврда қалъалар ўзанларнинг ирмоқлари ва улардан чиқарилган каналлар бўйларида суғориш тармоқларининг назорати учун ёки чегара ҳудудларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида қурилган.

Мил.авв. IV–II асрларда Сарикамиш дельтасида сувнинг қўпайиши ва доимий бўлиши ҳудуднинг ғарбий хорижий мамлакатлар билан сув орқали ўзаро муносабатларини янада жонлантирган. Қадимги юнон ва рим муаллифлари асарларида ҳам Узбой орқали Каспий денгизи билан боғланганлиги тилга олинган. Тадқиқотчи Б.И.Вайнберг қадимги Хоразмнинг Кавказ орти давлатлари ва Месопотомия билан бўлган алоқаларини Қалъалиқир 2 ёдгорлигидан топилган моддий буюмлар ҳам асослайди деб кўрсатади<sup>62</sup>. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари бўйича тадқиқот олиб борган олимлар Э.В.Ртвеладзе ва Ў.М.Мавлонов Узбой Амударёнинг юқори оқими билан Каспий денгизигача бўлган катта ҳудудни сув йўли орқали боғлаш имконини берганлигини ва у халқаро аҳамиятга эга бўлганлиги таъкидлаган<sup>63</sup>.

Диссертацияда пойтахт шаҳар – Оқшаҳонқалъа ва ундан топилган рангли деворий суратлар таҳлили берилган. Оқшаҳонқалъанинг умумий майдони 56 гектарни ташкил этиб, ички ва ташқи шаҳардан иборат<sup>64</sup>. Ички қалъадаги ибодатхонадан 240 метр узунликда ўтган йўлак деворларига деворий суратлар чизилган<sup>65</sup>. 2005–2008 йиллардаги археологик тадқиқотлар натижасида, шимолий йўлакдан 30 нафар кишининг портретлари топилган. Деворий суратларда ҳукмдорларнинг расми билан биргаликда катта ҳажмдаги (олти метр) зардуштийлик худоларининг, ҳайвонлар, кушлар, боғлар тасвирлари ҳам акс эттирилган. Бу Марказий Осиё тарихи бўйича энг қадимий рангли деворий

<sup>58</sup> Неразик Е.Е. Древние города Хорезма и пути их развития (IV в. до н.э. – IV в. н.э.). // Центральная Азия. История, источники, культура. – Москва: Восточная литература, 2005. – С. 549 – 550. Рис.2.

<sup>59</sup> Беруний Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Ташкент: Фан, 1968. – Б.231.

<sup>60</sup> Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология. // Этнография и археология Средней Азии. – Москва: Наука, 1979. – С. 40.

<sup>61</sup> Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории древнего Хорезма в древности. // Приаралье в древности и средневековье. – Москва: Восточная литература, 1998. – С. 31–32.

<sup>62</sup> Вайнберг Б.И. Этнография Турана в древности. – С. 26.

<sup>63</sup> Ртвеладзе Э.В. Великий индийский путь: из истории важнейших торговых дорог Евразии. – СПб.: Нестор-История, 2012. – 295 с.; Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Б. 95.

<sup>64</sup> Ходжаниязов Г.Х., Ягодин В.Н., Хелмс С.У., Макларен Б.П. Раскопки на Акшахан кале. – С.175 – 181.

<sup>65</sup> Ягодин В.Н., Беттс А. Хоразмнинг номаълум ҳукмдорлари. // Фан ва турмуш. № 3 – 5. 2008. – Б.115.

сурат ҳисобланади. Мазкур деворий суратларнинг қайта тикланиши қадимги Хоразм тарихини янада бойитиши қайд қилинган.

Қадимги Хоразм ҳудудида мил. авв. IV асрда бошланган урбанизация жараёни кейинги даврларда ҳам шу қалъаларда давом қилган. Лекин мил.авв. II асрда ҳудудга кўчманчиларнинг бостириб келиши натижасида қалъалар вайрон қилинган. Мил.авв. I асрда янги сулола ҳукмронлигининг ўрнатилиши натижасида мавжуд қалъаларнинг аксариати қайтадан таъмирланиб, уларнинг мудофаа тизими мустаҳкамланган.

Шунингдек, бу даврда шаҳарларнинг фаолиятига уларнинг сув билан таъминланганлиги ҳам таъсир кўрсатган. Дарё ёки каналлар қуриб қолгач, шаҳарлар ташлаб кетилган. Сув таъминоти мавжуд бўлган қўҳна қалъалар атрофида аҳоли ҳозирги кунгача яшаб келмоқда. Бунга мисол тариқасида Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманини, Хоразм вилоятининг Ҳазорасп, Хива, Шовот туманлари ва бошқаларини келтириш мумкин.

Қадимги Хоразм ҳудудидан Буюк ипак йўлининг шимолий тармоғи ўтганлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатганлиги билан хулосаланган.

Учинчи боб **“Амударё ҳавзаси ҳудудларининг иқтисодий хўжалик асослари ва ҳунармандчилик”** деб номланиб, унда Амударё ҳавзаларида яшаган аҳоли қадимий даврлардан то бугунги кунгача Амударёнинг тез оқарлиги, тошқинлари ва лойқалигини инобатга олган ҳолда деҳқончилик маданияти ва сунъий суғориш тизимларини шакллантирганликлари изоҳланган. Шу асосда ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзи белгиланганлиги ва ривожланишдаги ўзига хос жиҳатларни кўрсатиш мумкинлиги илгари сурилган.

Амударё ҳавзасининг юқори, ўрта ва қуйи қисмларида сув билан таъминланиши турлича бўлганлиги сабабли ҳам бу ҳудудларнинг ўзлаштирилиши ва деҳқончилик маданияти шу жараён билан боғлиқ ҳолда таркиб топган. Сувни далаларга олиб бориш тармоқлари баён қилиниб, сепоя ва сақа энг қадимий тўғонлар вазифасини бажарганлиги очиқ берилган. Доимий сув билан таъминланган ҳудудларда кўп қатламли ёдгорликлар таркиб топган, қадимий суғориш тизимлари эса кейинги даврлардаги қайта қурилишлар жараёнида йўқолиб кетган.

Агар ҳудудга сувнинг келиши камая бошласа, аҳоли сунъий суғориш тизими такомиллаштирилиб, сувнинг далаларга етарли даражада етиб боришини таъминлашга ҳаракат қилганлар. Бу эса, суғорма деҳқончиликнинг ривожланишига олиб келган. Шунингдек, аҳоли табиий шароитга мос экинлар экиб, деҳқончиликни ривожлантирганлар. Дарё ва ирмоқларнинг қуриши аҳолининг янги ҳудудларни ўзлаштиришига сабаб бўлганлиги изоҳланган. Амударё ҳавзаси ҳудудларида мил.авв.VIII аср ва мил.авв.IV асрларда суғориш тармоқларининг асосий ривожланиш босқичлари аниқланган.

Қадимги Бактрия, Суғд, Хоразм давлатларида сунъий суғориш тизимининг ўзига хослиги ва тараққиёти ҳудудлар бўйича алоҳида таҳлил

қилинган. Сунъий суғориш тизимининг ривожланиши кўплаб ҳудудларнинг ўзлаштирилишига олиб келганлиги ва бу давлат бошқаруви билан ҳам боғлиқ бўлганлиги билан хулосаланган.

Бобда минтақадаги чорвачилик хўжалиги, унинг характери ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиниб, унда чорвачилик хўжалигининг шаклланган ҳудудлари ва чорвачиликнинг турлари ёритиб берилган<sup>66</sup>. Қадимги Хоразм, Суғд ва Бактрия давлатларининг чегара ҳудудларга бўлган эътибори ва у ерлардан топилган мозор-қўрғонлари таҳлили берилган<sup>67</sup>. Қадимги давлатларда уй чорвачилиги ривожланганлиги ва ундан биринчи навбатда, озиқ-овқат манбаи сифатида фойдаланганлар. Бу Қадимги Хоразмда В.И.Цалкин томонидан олиб борилган тадқиқот асосида асосланган<sup>68</sup>. Қадимги Хоразм хўжалигида чорвачиликнинг етакчи ўринда бўлиши “Авесто”да маълумотларига мос эканлиги билан хулосаланган.

Бобда ҳунармандчиликнинг турлари, ихтисослашиш жараёнлари тараққиёт босқичлари изчилликда баён қилинган ва ҳудудлар қиёсий солиштирилган.

Уй ва жамоавий ҳунармандчилик кишилик жамияти тараққиётининг деярли барча даврларида мавжуд бўлганлиги ва бу археологик тадқиқотлар жараёнида ўз исботини топганлиги очиб берилган. Ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш даврлар ўтиши билан ривожланиб, тараққий этиб борган. Кулолчилик, тўқувчилик, метал ҳунармандчилиги, тош тарошлик, уй ҳунармандчилиги ҳудудлар бўйича таҳлил қилинган.

Илк темир даврида ҳунармандчилик косибчилик тарзида мавжуд бўлган бўлса, мил.авв. VII–VI асрларда ихтисослашиш жараёни бошланганлиги, ҳунармандчилик маҳсулотлари товар кўринишини олиб, бозор учун ишлаб чиқарилганлиги, мил.авв. II асрдан Буюк ипак йўли фаолиятини бошлаган давридан кейин халқаро савдода ҳунармандчилик буюмларига ҳам талаб ошганлиги билан хулосаланган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Амударё ҳавзаси ҳудудларида шаҳарсозлик маданияти ва унинг муҳофаа тизими”** деб номланган. Унда Амударё ҳавзаси ҳудудларидаги урбанистик жараён хронологик кетма-кетликда таҳлил қилинган. Амударё ҳавзасининг юқори ва ўрта оқимларида, яъни Бактрияда урбанизация Қадимги Шарқ цивилизациясининг таъсирида бронза давридан бошланганлиги<sup>69</sup> ва унинг Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбидан бошланиб, шимоли-шарқ томонга тарқалганлиги очиб берилган. Суғднинг учта

<sup>66</sup> Андрианов Б.В. Историческое взаимодействие кочевых культур и древних земледельческих цивилизаций в свете концепции о хозяйственно – культурных типах. // Сборник “Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций». – Алма – Ата, 1989. – С.9.

<sup>67</sup> Пардаев М.Х., Тошбоев Ф.Э. Суғд цивилизацияси тизимида кўчманчи чорвадор халқларнинг ўрни. // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. – Тошкент – Самарқанд, 2007. – Б.56; Толстов С.П., Воробьев М.Г. Работы Хорезмской археолого – этнографической экспедиции в 1957 г. // Материалы ХАЭЭ. – Москва, 1960. №4.

<sup>68</sup> Цалкин В.И. Фауна древнего Хорезма в свете данных археологии. // Древнейшее животноводство племен Восточной Европы и Средней Азии. – Москва, 1966

<sup>69</sup> Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Б.275; Бокиев А., Шайдуллаев А., Йўлдошева З. Окс цивилизацияси. Илмий монография. – Тошкент: YANGI NASHR, 2015. – Б.15.

худудида урбанизация жараёни турли даврларда содир бўлганлиги ёритилган. Жанубий, марказий Суғдда мил. авв. VIII–V асрларда, ғарбий Суғдда мил. авв. IV–III асрларда юз берган. Қадимги Хоразмда бу жараён мил.авв. VI–V асрларга тўғри келади.

Мил.авв. III минг йилликнинг охири ва II минг йилликларда Бактрия ва Марғиёнадаги ривожланиш “Окс цивилизацияси” деб аталган<sup>70</sup>. Бу тушунча А.П. Франкфор томонидан олиб кирилган бўлиб, В.И.Сарианиди бу давр ривожланишини “БМАК, яъни Бактрия–Марғиёна археологик комплекси” тушунчаси билан ифодалаган<sup>71</sup>. В.И.Сарианиди БМАК маданияти вакилларини Эрон–Хуросон ҳудудларидан келган бўлса керак деган фикрни илгари суради<sup>72</sup>. БМАК вакиллари ғарбдан шарқ томон ҳаракатланиб, жанубий Тожикистон ҳудудларигача кириб борганлар. Уларнинг манзилгоҳлари Дашли, Фрукабад, шимолий Бактриянинг Сополли, Жарқўтон ва жанубий Тожикистон ҳудудларидан топилган. Окс цивилизациясининг сўнгги босқичида – Номозгоҳ маданиятининг якуний босқичида қадимги Бактрияга “Нақшинкор рангли сопол” маданияти соҳиблари кириб келдилар. “Нақшинкор рангли сопол” маданияти мил.авв. X–VIII асрлар давомида Марказий Осиё ҳудудларида тарқалади. Унинг излари Жарқўтоннинг арки худудидан, Кучук I, Қизил I, Тилла I, Кўктепа, Афросиёб, Ерқўрғон каби ёдгорликлардан, умуман Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида 40 тадан ортиқ ёдгорликларида учратилади<sup>73</sup>. “Нақшинкор рангли сопол” маданиятининг Чуст маданиятига ўхшашлиги масаласи дастлаб А.Асқаров томонидан аниқланган<sup>74</sup>. Ушбу ғояни Шарқий Туркистондаги Шинжон ёдгорлигидан топилган археологик топилмалар яна бир бор тасдиқланган. Шунингдек, “Нақшинкор рангли сопол” маданиятининг шарқдан ғарбга тарқалган деган фикр илгари сурилган. Бугунги кунда бу фикр кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилмоқда.

Амударё ҳавзаси ҳудудларида бронза даврида бошланган урбанизация жараёнлари кўчманчи чорвадорларнинг жанубга миграцияси билан вақтинча тўхтатилган ва урбанизация жараёнининг кейинги босқичи мил.авв. IX–VIII асрлардан бошланган. Бу давр моддий маданиятида археологлар Окс цивилизациясига хос буюмларини топишган, яъни бу даврда бронза давридаги маданий тараққиёт янги кўринишда, туб сифат ўзгаришлари асосида қайта тикланган<sup>75</sup>. “Нақшинкор рангли сопол” маданияти аҳолиси келиб ўрнашган жойлар кейинги даврларда мустаҳкам қалъа–қўрғонларга айлантирилган. Бу даврда шимолий Бактриядаги Кучук II, Бандихон, Ғозимулла, Қизил II ва бошқа ёдгорликлар деҳқончилик воҳаларининг марказий қалъаларига айланган. Диссертацияда урбанизация жараёнлари ҳудудлар бўйича таҳлил қилиниб, Амударё ҳавзаси ҳудудларида урбанизация ахамонийлар ҳукмронлигидан

<sup>70</sup> Боқиев А., Шайдуллаев А., Йўлдошева З. Окс цивилизацияси. – Б.15.

<sup>71</sup> Сверчков Л.М. Тохары. – С. 111.

<sup>72</sup> Саринианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. Материалы советско – афганской экспедиции 1969 – 1974. – Москва: Институт Археологии. – С. 158.

<sup>73</sup> Ширинов Т., Шайдуллаев Ш. Бактрия минг шаҳарли мамлакат. – Б.10.

<sup>74</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Б.182.

<sup>75</sup> Ўша асар. – Б.189.

олдин бошланганлиги ва бу жараёнда деҳқончилик воҳаларининг ўрни муҳимлиги билан хулосаланган.

Бобда илк шаҳарлар ва уларнинг минтақавий ривожланиши жараёнлари таҳлили берилиб, Ўрта Осиёда илк шаҳар мил. авв. II минг йилликнинг биринчи ярмида шаклланганлиги<sup>76</sup> ва шаҳарларнинг шаклланишидаги кейинги босқич – бу иккинчи цивилизация тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, мил.авв. VIII–VI асрларда юз берганлиги ёритилган. Бу даврда Суғд худудида Кўктепа, Афросиёб, Ерқўрғон ёдгорликлари вужудга келган. Улар дастлаб қишлоқ сифатида ўзлаштирилиб, кейинчалик йирик шаҳарларга айланган. Диссертацияда Кўктепа, Афросиёб, Ерқўрғон, Узунқир, Кўзалиқир, Ҳазорасп, Хумбузтепа ёдгорликларининг ривожланиш босқичлари таҳлили берилган.

Марказий ва Жанубий Суғд худудларида илк шаҳарлар мил.авв. VIII–VII асрларда пайдо бўлган. Қадимги Хоразмдаги илк шаҳарлар –Кўзалиқир, Ҳазорасп, Хумбузтепа мил.авв. VI асрнинг бошларига оид. Илк шаҳарлар архаик ва антик даврларда янада тараққий қилган ва худудларнинг кенг ўзлаштирилиши натижасида шаҳарлар сони янада ортган.

Бобда шаҳарларнинг мудофаа тизими элементлари таҳлил қилинган. Шаҳарларнинг мудофаа тизимини бунёд этишда биринчи навбатда унинг географик жойлашуви эътиборга олинган<sup>77</sup>. Тепаликлар, тик жарликлар, тоғ ёнбағирлари, дарёлар, каналлар, ботқоқликларда қурилган шаҳарларни эгаллаш душманлар учун жуда катта қийинчилик туғдирган. Афросиёб дастлаб Сиёб дарёси ёқасидаги тик жарликка қурилган. Говурқалъа Султон Увайс тоғи қоясида, Кичик Қирққиз шу тоғ тизмасининг 7 метр баландлигида, Узундара қалъаси Бойсун тоғининг 1650 метр баландликда, Устюрт жарлигида Катта Ойбуйирқалъа, Девкесган шаҳристони Устюртнинг тор бурни чеккасида 30 метр баландликда, Қумтепа қалъаси Вахш дарасидаги тик жарликлар ўртасида, Ҳазорасп ва Қалъажик кўллари ўртасида, Пилқалъа ботқоқлик ўртасида, Кампиртепа Амударё бўйидаги баланд тепалик устида, Ойхонум Амударё ва Кўкча дарёсининг қўшилган жойда, Қўрғонзол қалъаси қурилган тепалик рельефи унинг мудофаа вазифасини ўтаган<sup>78</sup>. Шунингдек, шаҳарлар ҳандак, протохейзма (қўшимча девор), дарвоза, мудофаа девори, шинак ва миноралар ҳам мудофааланган. Амударё ҳавзаси худудларидаги шаҳарларнинг мудофаа қурилмалари бир-бирига ўхшаш бўлган. Ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, ҳарбий қуроолларнинг такомиллашуви билан шаҳарларнинг мудофаа қурилмалари ҳам такомиллашиб борганлиги тадқиқот ишида ёритиб берилган.

<sup>76</sup> Аскарлов А. Энг қадимги шаҳар.– Ташкент, Маънавият, 2001. – 24 б.

<sup>77</sup> Туребеков М. Оборонительные сооружения древних городов и поселений Согда. – С.32 – 84; Двуреченская Н.Д. Предварительные материалы археологических работ 2014 г. на крепости Узундара. – С.124–133; Мамбетуллаев М.М. Исследования храмового комплекса Большая Айбуйир – кала. // O'zbekiston arxeologiyasi. 2011. № 1 (2) – С.52 – 61; Мухамеджонов А., Адылов Ш.Т. Городские памятники низовьев Зарафшана в IV в. до н.э. VIII в. н.э. (К вопросу о формировании и развитии городской культуры в регионе). // Городская культура Бактрии – Тохаристана и Согда, античность, раннее средневековье. Материалы советско – французского коллоквиума. Самарканд. 1986. – С.110; Сверчков Л.М. Раскопки крепости Курганзол в 2008 г. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар – 2008 – 2009 йиллар. 7 – сон. Самарканд. 2012. – Б.168 – 178.

<sup>78</sup> Сверчков Л.М. Раскопки крепости Курганзол в 2008 г. – С. 168 – 178.

Бешинчи боб “Амударё ҳавзаси ҳудудларида давлатчиликнинг шаклланиши ва унинг бошқарув тизими” деб номланиб, унда Амударё ҳавзаларида давлатчилик ва унинг тарихий илдизлари таҳлил қилиниб, давлат инсонларнинг унга бўлган эҳтиёжи натижасида шаклланганлиги ва бошқарув тизими иқтисодий, ижтимоий омиллар таъсирида вужудга келганлиги изоҳланган. Давлатчиликнинг шаклланишидаги дастлабки омил қабилалар иттифоқининг шаклланиши бўлиб, иттифоқ ҳаётий зарурият натижасида ташкил топган. Бу бир томондан ташқи душмандан ҳимояланиш бўлса, иккинчи томондан яшаётган ҳудудини кенгайтириш ҳисобланган. Чорвадорлар чорвалари учун кенг яйловларни эгаллашга интилсалар, деҳқонлар унумдор, сувга яқин ерларни эгаллашга ҳаракат қилганлар.

Амударё ҳавзаси ҳудудларида эса, сунъий суғориш тизимининг мавжудлиги деҳқонларнинг уюшқоқлик билан ҳаракат қилишини талаб этган. Худди шу жараёнда жамиятда бошқарув элементлари – давлатчилик вужудга келган. Давлат бошқарув тизимининг шаклланишига иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсир кўрсатган. Биринчи навбатда, меҳнат тақсимооти, яъни деҳқончиликнинг чорвачиликдан ажралиши натижасида деҳқонлар ва чорвадорлар яшайдиган ҳудудлар ҳам алоҳида бўлган. Иккинчи меҳнат тақсимооти сабабли, деҳқончиликдан ҳунармандчилик ажралиб, давлат бошқарувининг маркази – шаҳарларнинг шаклланишига замин яратилган. Ҳунармандчилик маҳсулотига бўлган талабнинг ошиши ва ишлаб чиқаришнинг кўпайиши бозор, савдо, пул муносабатлари вужудга келтирган. Бу омиллар давлат бошқарувининг тартибга солиниши ва мураккаблашувига сабаб бўлган. Савдо–сотик муносабатлари жамоалар ўртасида ва бошқа кўшни халқлар билан амалга оширилиб, ўзаро мураккаб муносабатлар шаклланишига олиб келган<sup>79</sup>.

Диссертацияда илк давлатчилик тўғрисидаги А.Асқаров томонидан илгари сурилган иқтисодий ва ижтимоий омиллар<sup>80</sup>, А.С.Сагдуллаев томонидан кўрсатилган илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш даврлари<sup>81</sup>, Э.В.Ртвеладзе томонидан асосланган давлатчиликнинг ривожланиш босқичлари<sup>82</sup>, Ш.Шайдуллаев томонидан аниқланган илк давлатларнинг 11 та археологик белгилари ғоялари асосида Жарқўтонда илк давлатчилик элементлари мавжудлиги асосланганлиги<sup>83</sup> ва илк давлат – воҳа давлатчилиги шаклида шаклланганлиги, сиёсий бошқарув органлари босқичма-босқич ривожланиб, такомиллашиб борганлиги кўрсатилган. Ўрта Осиёда илк давлатчиликнинг тарихий илдизлари бронза давридан бошланган. Бу даврда воҳа давлатчилиги шаклланиши учун замин яратилган. Шу даврдан бошлаб,

<sup>79</sup> Сариниди В.И. О великом лазуритовом пути на Древнем Востоке. // КСИА, вып. 14. 1968. – С. 3 – 9.

<sup>80</sup> Асқаров А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: Инст. Археологии АН РУз. 1993. – С. 14 – 24; Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Б. 147.

<sup>81</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа: Генезис культуры и социально – экономическая динамика. Автореферат на соис.уч.ст. докт. ист. наук. – Ташкент, 1988. – С. 40 – 41; Сагдуллаев А.С., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н., Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. I – қисм. – Ташкент: Академия, 2000. – Б.22 – 31.

<sup>82</sup> Ртвеладзе Э.В. Периодизация развития и типология ранних государств. // История государственности Узбекистана. Том. I. – С. 48.

<sup>83</sup> Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. – Б. 286.

сиёсий бошқарув органлари босқичма–босқич ривожланиб, такомиллашиб борган.

Бобда давлатчиликнинг бошқарув тизими ва унинг характерли хусусиятлари тафсифлаб берилган. Илк давлатлар қабилаларнинг эркин иттифоқи асосида таркиб топиб, давлат аҳамиятига молик ишлар умумий йиғинда муҳокама қилинганлиги, бошқарувда қоҳинлар, ҳарбийлар етакчи ўринни эгаллаганлигининг моҳияти очиб берилган ва “Авесто” да кўрсатилган бошқарув элементлари билан таққосланган.

Ахамонийлар қадимги Бактрия, Суғд ва Хоразм давлатларини сатрапликларга бўлиш жараёнида ҳам илгариги сиёсий ҳудудларни инобатга олган ҳолда ташкил қилганликлари ва сатраплар улар устидан назорат ўрнатганлиги<sup>84</sup> ёзма ва археологик манбалар асосида таҳлил қилиб берилган. Диссертацияда қадимги Хоразм ахамонийлар ҳукмронлигидан озод бўлгандан кейин, давлат бошқаруви подшо орқали амалга оширилганлиги, давлатдаги ҳукмрон сулолаларнинг ўзгариши ёзма ва нумизматик манбаларга таяниб ёритилган.

Мил.авв. IV асрда Александр Македонский Бактрия ва Суғдда сатраплик бошқарув тизимини сақлаб қолган, уларни Македонскийга яқин бўлган кишилар бошқарган. Мил.авв. IV асрнинг охири ва III асрнинг биринчи ярмида Бактрия ва Суғдда Салавкийлар ҳукмронлиги даврида монархия давлати ўрнатилган<sup>85</sup> ва Юнон-Бактрия давлати ташкил қилинган, Суғд Бактрия давлати таркибидан ажралиб чиқиб, мустақил сиёсат юргизганлиги нумизматик манбалар асосида баён қилинган<sup>86</sup>. Юнон-Бактрия марказлашган давлат бўлиб, ҳудудлар бошқарувда сатраплик тизими сақланиб қолинган, лекин у янада кичикроқ ҳудудларга –гипархларга бўлиниб бошқарув амалга оширилган<sup>87</sup>.

Мил.авв. II асрнинг иккинчи ярмида Суғд ҳудудида ташкил топган Қанғ давлатида конфедерация бошқарув тизими ва Бактрияда Кушон империяси монархия бошқарувини жорий этганлиги масалалари кўриб чиқилган. Кушонларнинг йирик империяси мил.авв. III–IV асрларда Сосонийлар билан бўлган қарама-қаршиликлар ва кидарийларнинг ҳужуми натижасида империянинг таназулга учраганлиги билан хулосаланган.

Оташпарастилик негизида зардуштийликнинг шаклланганлиги, оташпарастиликнинг илдизи неолит даврига бориб тақалиши археологик манбалар асосида ёритилган. Шунингдек, оташпарастилик эътиқоди билан боғлиқ урф-одатлар археологик моддий манбалар асосида таҳлил қилинган. Оташпарастилик ибодатхоналарда олов, сув, махсус ичимлик – хаома билан боғлиқ моддий манбалар кузатилиб, уларда турли дафн маросимлари ва урф-одатлари бўлганлигига<sup>88</sup> эътибор қаратилган. А.Асқаровнинг Зардушт

